

Сийрат дарслари (152-дарс). Яхшиларингиз аҳлига яхшиларингиздир



18:23 / 03.09.2021 3251

559. Муовия ибн Ҳайда Қушайрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизларнинг ҳар биримизда хотинининг нима ҳаққи бор?» дедим. **«Таомлансанг, уни ҳам таомлантирасан. Кийим кийсанг, уни ҳам кийинтирасан. Юзига урмайсан, қаттиқ сўкмайсан ва уйдан бошқа жойда ҳижрон қилмайсан»,** дедилар».

Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишган.

560. Абдуллоҳ ибн Замъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз ўз аёлини қулни калтаклагандек калтакламасин. Кейин куннинг охирида яқинлик қилгиси ҳам келиб қолиши бор»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

561. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Яхшиларингиз аҳлига яхшиларингиздир. Мен аҳлига энг яхшингизман. Соҳибингиз вафот қилганида уни тинч қўйинглар»,** дедилар».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан